



# **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) Q A R O R I**

2021 yil “20 ” август

№ 70/08-кр

Toshkent sh.

## **“O‘zmaxsusmontajqurilish” AKning faoliyatiga oid masalalar tўg‘risida**

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда – Қонун) 58-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ПФ – 6273-сон Фармониға мувофиқ қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди.

1. “93 - маҳсус трест” АЖ устав капиталидаги “O‘zmaxsusmontajqurilish” АКнинг 85,71 фоиз улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш.

2. “O‘zmaxsusmontajqurilish” АК кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

3. “O‘zmaxsusmontajqurilish” АКнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш.

### **1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ – 6273-сон Фармониға асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги ПФ – 6167-сон Фармониға тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳамда унга кўра “93 - маҳсус трест” АЖ устав капиталидаги “O‘zmaxsusmontajqurilish” АК (кейинги ўринларда – Компания) улушини белгиланган тартибда бошқарув органлари қарорлари асосида баланс қийматида Компания устав фондидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилиб, яхлит пакетда савдога чиқарилиши белгиланган.

Қонуннинг 58-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ПФ – 6273-сон Фармони ҳамда Компания уставига асосан кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

1.1. “93 – махсус трест” АЖ устав капиталидаги Компания улушини баланс кийматида Компания устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилсин.

## **2. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:**

Компания ягона акциядори - Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 4 августдаги 01/08-17-1255 – сон хатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 356 - сон қарори талабларига асосан давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганлиги ҳамда Компаниянинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилганлиги келтирилган.

Кузатув кенгаши таркибига:

1. Бутиков Игорь Леонидович - Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқот қилиш маркази директори (мустақил аъзо);
2. Умматов Бекзод Хамзаевич - Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари;
3. Рузиев Фазлиддин Киранович - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи;
4. Олимжонов Лазиз Наимқулович - Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;
5. Қараев Феруз Фахриддинович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

Тафтиш комиссияси таркибига:

1. Тухтасинов Ўткир Толибжон ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги Қурилиш, йўл-транспорт ва бошқа инфратузилма активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари;
2. Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли - Молия вазирлиги бош мутахассиси;
3. Хайдаров Ўктам Ўткирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

2.1. Компания кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Бутиков Игорь Леонидович - Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқот қилиш маркази директори (мустақил аъзо);
2. Умматов Бекзод Хамзаевич - Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари;
3. Рузиев Фазлиддин Киранович - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи;
4. Олимжонов Лазиз Наимкулович - Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;
5. Қараев Феруз Фахриддинович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

2.2. Компания тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. Тухтасинов Ўткир Толибжон ўғли - Давлат активларини бошқариш агентлиги Қурилиш, йўл-транспорт ва бошқа инфратузилма активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари;
2. Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли - Молия вазирлиги бош мутахассиси;
3. Хайдаров Ўктам Ўткирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси.

### **3. Кун тартибидagi учинчи масала юзасидан:**

Компаниянинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини мажбурий аудитдан ўтказиш учун мустақил ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлиги Қонуннинг 59 - моддасига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Шунга кўра, Компания ижроия органи томонидан:

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда 3016 - сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги низом талабларига асосан Компаниянинг 2021 йил якуни бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш мақсадида Компания веб - сайти ва Давлат харидларининг махсус порталида танловга эълон (<http://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9125031>) жойлаштирилган;

- Танловда иштирок этиш бўйича мустақил аудиторлик ташкилотидан келиб тушган аризаларни Компаниянинг харидлар бўйича танлов комиссиясида кўриб чиқилган (*Комиссия баённомаси илова қилинади*);

- Танлов натижаларига кўра, Компаниянинг 2021 йил якуни бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танланган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

3.1. Компаниянинг 2021 йил якуни бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 6,0 млн.сўм этиб белгилансин.

3.2. Компания (Шодиев) “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартнома тузилишини таъминласин.

**Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори**

  
А. Ортиков

“O’zmaxsusmontajqurilish” AK кузатув кенгаши аъзолари паспорт маълумотлари:

1.	Бутиков Игорь Леонидович	Паспорт: АА 0261329. Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан 23.09.2012 йил берилган.
2.	Умматов Бекзод Хамзаевич	Паспорт: АА 3147591. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 17.10.2013 йил берилган.
3.	Рузиев Фазлиддин Киранович	Паспорт: АА 1411342. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан 10.05.2013 йил берилган.
4.	Олимжонов Лазиз Наимқулович	Паспорт: АА 1316342. Тошкент шаҳар Хамза тумани ИИБ томонидан 25.04.2013 йил берилган.
5.	Қораев Феруз Фахриддинович	Паспорт: АА 9665454. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ИИБ томонидан 10.05.2015 йил берилган.

“O’zmaxsusmontajqurilish” AK тафтиш комиссия аъзолари паспорт маълумотлари:

1.	Тухтасинов Ўткир Толибжон ўғли	Паспорт: АА 0839415. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ИИБ томонидан 08.02.2013 йил берилган.
2.	Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли	Паспорт: АА 3772971. Қашқадарё вилояти Қарши тумани ИИБ томонидан 28.12.2013 йил берилган.
3.	Хайдаров Ўктам Ўткирович	Паспорт: АА 6017323. Тошкент шаҳар Шайхантохур тумани ИИБ томонидан 03.07.2014 йил берилган.